

Кўлдош Пардаев

**“АЛ-ИСЛОҲ” ВА XX АСР
БОШЛАРИ ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлдош Пардаев

**“АЛ-ИСЛОХ” ВА XX АСР БОШЛАРИ
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**

Монография



“MaHalla va Oila” нашриёти
Тошкент – 2021

КБК: 83.3(5Ў)

П 21

УЎК: 821.512.133.09

ISBN 978-9943-7632-8-9

Пардаев, Қ.
“Ал-ислоҳ” ва XX аср бошлари ўзбек адабиёти [Магн]:
монография / Қ. Пардаев. – Тошкент: Mahalla va Oila, 2021. –
148 б.

Монографияда XX аср бошларидаги нуфузли матбуот
нашрларидан бири – “Ал-Ислоҳ” журналыда нашр этилган
адабий ва бадвий-публицистик материаллар тадқиқ этилган.
Ушбу журналнинг дунё юзини кўриши, адабиёт материаллари
таснифи ва талқини, шунингдек, давр тараққийпарварларнинг
адабий-эстетик баҳс-мунозаралари ҳамда ижтимоий-сиёсий
манзуларга оид даврнинг долзарб муаммоларига бағишланган
материаллар тадқиқ этилган.

Монография магншунослик ва адабий манбашунослик,
жадид адабиёти билан қизиқувчи тадқиқотчилар ва филолог
мутахассисларга мўлжалланган.

Маъсул муҳарир:

Н.Жабборов – ф.ф.д., проф.

Тақризчилар:

Ш.Хожиева – ф.ф.н., доц.

Ш.Амонов – ф.ф.н., доц.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил
26 июндаги 7-сонли қарорига асосан чоп этилди.

© Пардаев Қ.
© “Mahalla va Oila” нашриёти, 2021.

*Ушбу китобимни қўлларимга илк бор қалам тутқазиб,
ишмага йўллаган валинъ-матим отажоним. Узоқ Бекмурод ўғли
ҳамда мунис ва муштирапар онажоним Ойсора Ҳатипулла ҳожи
қизининг пок руҳларига таъзимлар ила бағишлайман.*

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин илгари
ўрганиш таъқиқланган манбаларни тадқиқ этиш учун кенг
имконият пайдо бўлди. Уларни илмий-тадқиқот доирасига
киритиб, олинган натижаларни кенг жамоатчиликка тақдим
этиш адабиёт илмининг, хусусан манбашунослик ва
магншуносликнинг устувор вазифаларидан биридир. Айни
пайтда, бу адабиётимиз тарихида мавжуд бўлиб келаётган
муайян кемтикликни тўлдирishi ҳам шубҳасиздир. Зеро,
адабий-тарихий манбаларни ўрганиш бой ўтмишимизнинг бизга
номалум саҳифаларини очишда, адабий магн ва талқиндаги
хатоларни тузатишда муҳим аҳамият касб этади. 1915-1918
йилларда нашр этилган “Ал-Ислоҳ” журналы ҳам ана шундай
манбалар сирасига киради.

Маълумки, XX аср биринчи чораги Туркистон ижтимоий
ҳаётида жадидчилик ҳаракати ўзига хос мавқега эга бўлган.
Унга муайян маънода муҳолиф саналган “қадимчилик” ҳам
ижтимоий заминига, фаол ҳаракатда бўлган кучларига эга эди.
Жадидчилик ҳаракатининг ғоя ва фикрлари XX аср 10-
йилларидан сўнг “Садои Туркистон”, “Садои Фаргона”, “Бухорои
шариф”, “Турон”, “Самарқанд”, “Хуррият” каби газеталарда,
“Ойна” журналыда акс этган бўлса, қадимчиларнинг қарашлари
маълум даражада “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ” журналларида ўз
ифодасини топган, тарзидаги қарашлар мавжуд. “Ал-Ислоҳ”га
оид бу фикрнинг ҳақиқатга қанчалик мувофиқлиги ҳақида
ушнинг барча сонларини тадқиқ этиш асосида ҳулоса чиқариш
илмий ва мантиқий жиҳатдан тўғри экани шубҳасиздир. Айни
замонда, мазкур манбани синчиклаб ўрганиш жадидлар билан
қадимчилар муносабатининг моҳияти нимадан иборат бўлганини
аниқлашга ҳам муайян даражада кўмаклашади.

“Ал-Ислоҳ” журналы Туркистон халқлари тарихининг
мураккаб даврида нашр этилиб турди. Биринчи жаҳон уруши,